

ТУРЛИ ДАВЛАТ ФУҚАРОЛАРИ ЎРТАСИДАГИ НИКОҲДАН АЖРАТИШ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Малика Шахобидиновна ШУКУРОВА

мустақил изланувчи

Ўзбекистон Республикаси

Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги

Одил судлов академияси

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: shukurovamalika322@gmail.com

Аннотация

Мақолада глобаллашув ва халқаро миграция шароитида турли давлат фуқаролари ўртасидаги никоҳлар ва уларнинг бекор қилиниши билан боғлиқ муаммолар, Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда халқаро тажрибаси ўрганилган, маҳаллий ва хорижий олимларнинг қарашлари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: никоҳ, фуқаро, никоҳдан ажратиш, халқаро хусусий ҳуқуқ, эр-хотин, юрисдикция, “forum shopping”, коллизия, applicable law, lex patriae, lex domicilii, lex fori, МДҲ.

ОСОБЕННОСТИ ВОПРОСОВ РАСТОРЖЕНИЯ БРАКА МЕЖДУ ГРАЖДАНАМИ РАЗНЫХ СТРАН

Малика Шахобидиновна ШУКУРОВА

независмый исследователь

Академии правосудия при Высшем судебном совете Республики

Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

e-mail: shukurovamalika322@gmail.com

Аннотация

В статье исследуются проблемы, связанные с браками между гражданами разных государств и их расторжением в условиях глобализации и международной миграции, изучаются нормативно-правовые акты Узбекистана и зарубежных стран, а также международный опыт, проводится научно-теоретический и практический анализ взглядов отечественных и зарубежных учёных.

Ключевые слова: брак, гражданин, расторжение брака, международное частное право, супруги, юрисдикция, “forum shopping”, коллизия, applicable law, lex patriae, lex domicilii, lex fori, СНГ.

Бугунги кунда турли миллат ва фуқароликка мансуб шахслар ўртасида оила қуриш ёки ундан ажрашиш оддий ҳолатга айланиб, бу жараёнларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишида бир қатор ўзига хос муаммолар пайдо бўлмоқда [15]. Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир мамлакатнинг ажрашиш

тўғрисидаги қонунчилиги турлича бўлиб, турли юрисдикцияларда никоҳдан ажратиш жараёнига қўйилган талаблар ва оқибатлар кескин фарқ қилади [6]. Никоҳдан ажратиш – эр-хотин ўртасидаги никоҳ муносабатларини юридик жихатдан тугатишдир. Агар эр ва хотин турли давлат фуқаролари бўлса ёки турли мамлакатларда истиқомат қилса, ажрим жараёнида қуйидаги ўзига хос ҳуқуқий масалалар келиб чиқади:

биринчидан, юрисдикция масаласи, яъни қайси давлат суди ёки ваколатли органи ажрим ишини кўриб чиқиши мумкинлиги аниқланиши керак. Эр-хотин турли давлат фуқароси бўлса, улар ажрашиш учун бир нечта мамлакатда даъво қўзғатиш имкониятига эга бўлиши мумкин – масалан, эр ўз мамлакатада, хотин эса ўз яшаб турган мамлакатада. Бунда ҳар бир юрисдикция ўз талабларини қўяди: айрим давлатларда доимий яшаш (**residence**) ёхуд муқимлик (**habitual residence**) муддатига оид шартлар қўйилса, бошқалари фуқаролик алоқасига аҳамият қаратади [7]. Масалан, Европа Иттифоқида бу масала Брюссель II ter регламентига мувофиқ ҳал этилиб, эр-хотиннинг доимий яшаш жойи ёки фуқаролигига қараб қайси мамлакат суди ишни юритиши белгилаб берилади. Шундай экан, халқаро ажримларда доимий яшаш жойи (муқимлик) ва фуқаролик каби тушунчалар марказий аҳамиятга эга бўлади. Бу омиллар қайси давлат суди ишни кўриши ва қонун қўллашнинг белгилашда ҳал қилувчи ҳисобланади [16]. Амалиётда ажрашишни *қайси мамлакатда бошлаш* ҳар икки томон учун жуда муҳим: турли юрисдикцияларда мол-мулкни бўлиш ва алимент миқдорини белгилаш қоидалари турлича эканлиги сабабли, тарафлар ўзлари учун қулайроқ ҳуқуқ тизимини танлашга ҳаракат қилишлари мумкин. Ҳатто халқаро ажримларда **“forum shopping”** деб аталувчи ҳолат учрайди – яъни тарафлардан бири ишни ўз манфаатига мувофиқроқ қонунларга эга мамлакат судига оширишга интилади [8]. Масалан, бой оилалар ажримида бир томон Англия судига (юқори алимент ва мулк тақсимооти имконияти боиси) мурожаат қилишга интилса, иккинчиси эса нисбатан “қулай” қонунчилиги бор ўз мамлакатига ошқишга уринган ҳолатлар кузатилади. Шу тариқа, халқаро никоҳ

бузилишида юрисдикция учун кураш ҳам ажрим жараёнининг ўзига хос томонидир.

Иккинчидан, қўлланиладиган қонун (коллизия нормалари) масаласи. Турли давлат фуқаролари ажрашганда, суд қайси давлатнинг оила қонунини қўллаши керак? Бу ҳал қилиш ҳуқуқи (applicable law) муаммосидир. Қоидага кўра, ҳар бир давлат ўз ички коллизия қоидаларига эга бўлиб, улар орқали эр-хотиннинг шахсий қонуни аниқланади [17]. Жаҳон амалиётида асосий ёндашувлар икки хил: гражданлик ҳуқуқи (континентал ҳуқуқ) тизимида кўпинча *lex patriae* – эр-хотиннинг миллий қонуни ёки уларнинг умумий доимий яшаш мамлакати қонуни қўлланилса, умумий ҳуқуқ (англо-америка) тизимида тарихан *lex domicilii* – эр-хотиннинг домицили (ҳуқуқий муқим жойи) қонуни қўлланилади. Бироқ замонавий тенденцияга кўра, кўп давлатларда ажримга нисбатан тўғридан-тўғри ўз юрисдикциясининг қонунини татбиқ этишга мойиллик ўсиб бормоқда. Жумладан, МДҲ давлатлари қонунчилигида *lex fori* тамойили устувор экани таъкидланади – яъни, агар ажрим иши қаерда кўрилаяётган бўлса, ўша мамлакат қонуни қўлланилади. Масалан, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа қатор мамлакатларда хорижий элемент билан боғлиқ никоҳдан ажратиш ишларига бевосита шу давлатнинг оила қонуни татбиқ этилиши қоидаси мустаҳкамланган [18].

Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас: маҳаллий мутахассисларнинг қайд этишича, ажримга доир коллизия нормалари амалда **юрисдикция қонунини** қўллашга олиб келади [3]. Бошқача айтганда, агар Ўзбекистон фуқароси чет эл фуқароси билан бирга Ўзбекистон судига ажрим учун мурожаат қилса, суд никоҳни бекор қилиш шарти ва тартибига Ўзбекистоннинг Оила кодекси қоидаларини татбиқ этади. Шу тариқа, кўп ҳолларда турли давлат фуқаролари ўртасидаги ажримнинг ҳуқуқий замини сифатида ишни кўраётган мамлакатнинг ички қонунчилиги хизмат қилади.

Учинчидан, ажримни тан олиш ва ижро этиш масаласи. Турли фуқароликка эга эр-хотин турли юрисдикцияларда ажрашган тақдирда, бу

ажрим ҳар икки томон фуқароси бўлган давлатларда тан олинishi лозим. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг муҳим мақсадларидан бири “*йўловчи никоҳлар*”нинг олдини олиш, яъни шахслар бир мамлакатда ажрашган, бошқасида ҳали ҳам расман турмушда деб ҳисобланадиган номувофик ҳолатдан қочишдир [9]. Шу сабабли, кўпчилик давлатлар хорижда олинган ажрим гувоҳномаларини муайян шартларга биноан тан оладилар (мумкин қадар ***favor divortii*** – ажримнинг ҳаққонийлигини эътироф этиш тамойили кучайиб борапти, дейиш мумкин [10].

Ўзбекистон қонунчилиги ҳам бундан истисно эмас: Оила кодекси 236-моддасига мувофик, *Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги никоҳдан ажратиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тегишли чет эл давлатининг қонунчилигига риоя этилган ҳолда амалга оширилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади* [1]. Шунингдек, *Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида чет эл фуқаролари ўртасидаги никоҳдан ажратиш тегишли чет эл давлатининг қонунчилигига риоя этилган ҳолда амалга оширилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади* [1]. Демак, қоида тариқасида, бир мамлакат судида берилган ажрим қарори бошқа мамлакатда ҳам тан олинishi керак. Бироқ амалда барча мамлакатлар ҳам бошқа давлатнинг ажримини автоматик равишда тан оладими – бу савол очик қолади. Одатда, давлатлар тан олишдан бош тортиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд: масалан, ажрим қарори адолат тамойилларига зид равишда олинган бўлса – бир томон алдаган ҳолда ёки иккинчи томонга хабар бермай туриб тезда ажрашиб олган бўлса – бундай ҳужжатни тан олмаслик эҳтимоли бор [11]. Шунингдек, агар бир давлатнинг асосий ҳуқуқий принципларига бутунлай зид бўлган ажрим бўлса (масалан, айрим давлат учун яроқсиз деб ҳисобланган диний ёки талоқ йўли билан ажрим ва ҳ.к.), унинг ҳуқуқий тартиби бундай ажримни тан олмаслиги мумкин. Лекин бу ҳоллар истисно тариқасида қўлланилиб, умумий ҳолатда халқаро ажримлар ўзаро эътироф этилади.

Тўртинчидан, процессуал ва амалий жиҳатлар. Турли давлат фуқаролари ўртасидаги ажримда процессуал масалалар ҳам мураккаблашиши мумкин. Масалан, даъво аризасини иккинчи томонга етказиш халқаро тартибда вақт ва харажатни талаб этади, айрим ҳолларда махсус таржима ва консуллик легализацияси каби расмий ташкилий ишлар қилиниши лозим. Агар икки тараф турли юрисдикцияларда яшаса, суд мажлисида иштирок этиш масаласи ҳам қийин кечади – ҳозирги шароитда масофавий эшитувлар ўтказиш мумкин бўлса-да, ҳали барча мамлакатларда бу тўлиқ йўлга қўйилмаган. Шунингдек, ажримга доир ишда *болаларнинг васийлиги ёки алимент* масалалари чиқса, бу ҳужжатларнинг кейинчалик халқаро мажбурийлиги долзарб бўлади. Масалан, Ўзбекистон суди болани онасининг васийлигида қолдириб, отасига алимент тўлаш мажбуриятини юкласа, бу ота хорижга кетиб қолган тақдирда уни қандай тарзда ундираш мумкин? Бу борада 2007 йил Гаага конвенцияси каби халқаро битимлар аллақачон мавжуд бўлиб, улар иштирокчи давлатлар ўртасида болалар ва бошқа оила аъзолари учун тутиб қолиш (алимент) қарорларини ўзаро тан олиш ва ижро этишни кафолатлайди [11]. Бироқ агар бундай конвенциялар амал қилмаса, ҳар бир давлат ўзининг ички ҳуқуқий ёрдам тизими орқали (масалан, суд қарорларини тан олиш тўғрисидаги икки томонлама шартномалар орқали) масалани ҳал қилишига тўғри келади.

Ўзбекистон МДХ доирасида 1993 йилда Минскда имзоланган “Ҳуқуқий ёрдам тўғрисида”ги Конвенцияга кўра, иштирокчи давлат судлари қарорларини ўзаро тан олиши механизмига эга. Шу тариқа, ажрим билан боғлиқ қўшимча қарорларни (болалар масаласи, моддий тақсимот ва ҳ.к.) халқаро миқёсда амалга оширишда бир қатор қўшимча чоралар талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида хорижий элемент иштирокидаги никоҳ-оила муносабатларини тартибга солувчи махсус нормалар мавжуд. Жумладан, Кодекснинг VIII бўлими “*Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни*

тартибга солиш” деб номланган бўлиб, у 234–238-моддаларни ўз ичига олади [1]. Мазкур бўлимда асосан қуйидаги қоидалар белгиланган.

Мазкур қонуннинг 234-моддасида Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар унинг ҳудудида оилавий муносабатларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга экани нормаланган. Демак, хориж фуқароси иштирок этаётган никоҳ ва оила масалаларида унинг ҳуқуқлари Ўзбекистон фуқаросининг ҳуқуқларига тенг ҳимоя қилинади.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 235-моддаси Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида тузилган никоҳларни эътироф этиш тўғрисида. Унга кўра, агар Ўзбекистон фуқароси хорижда турмуш қурган бўлса, бу никоҳ қонунийлиги Ўзбекистонда тан олиниши учун у тузилган давлат қонунчилигига мувофиқ бўлиши талаб этилади. Хусусан, консуллик муассасалари орқали қайд этиш механизми ҳам назарда тутилган.

Қонуннинг 236-моддасига кўра, никоҳдан ажратиш масалалари белгиланган. Бу норма юқорида таъкидланганидек, хорижда амалга оширилган ажримларни қандай ҳолларда Ўзбекистон тан олишини тартибга солади. Юқорида келтирилган тарзда, агар ажрим хорижда қонунга мувофиқ тарзда амалга оширилган бўлса, у эр-хотиннинг бири Ўзбекистон фуқароси бўлган тақдирда ҳам, мамлакатимизда ҳақиқий деб топилади [19].

Шунингдек, фақат хорижий фуқаролар ўртасида чет элда ажрашган бўлсалар ҳам – уларнинг никоҳи аввалроқ Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган ёки Ўзбекистонга қандайдир дахли бор ёки йўқлигидан қатъи назар – ажрим тўғрисидаги хорижий гувоҳнома Ўзбекистонда тан олиниши учун ўша давлат талаблари бажарилган бўлса кифоя қилади [19]. Акс ҳолда, агар хориждаги ажримда қандайдир камчилик бўлса, Ўзбекистон органлари (ФХДЁ ёки суд) уни тан олмаслиги мумкин. Масалан, маҳаллий оила ҳуқуқи доктринасининг таъкидлашича, агар Ўзбекистон фуқаросининг ажрим тўғрисидаги ҳужжати хориждан олинган бўлса, уни Ўзбекистонда қайд этиш учун тегишли тартиб

бор: хужжат қонунийлаштирилиб (ёки апостил қўйилиб) таржима қилинган ҳолда ФХДЁ органига тақдим этилади, шу асосда никоҳ ҳақидаги гувоҳномага ажрим қайди киритилиб, шахсинг паспортига муҳр қўйилиши ва ажрим ҳақида сертификат берилиши белгиланган [20].

Бу тартиб халқаро хусусий ҳуқуқда *формал тан олиш* деб номланиб, Ўзбекистон қаби мамлакатларда никоҳ/ажримларни давлат рўйхатида акс эттириб бориш учун қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 237-моддасида: фарзандликка олиш (асраб олиш) бўйича коллизия нормалари қайд этилган. Бунда ҳам хорижий элемент бўлса, тегишли қоидалар мавжуд (масалан, Ўзбекистон фуқаролари томонидан чет эл фуқароси болани асраб олиш тартиби ва аксинча).

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 238-моддасида: чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмунини аниқлаш назарда тутилган. Норма жуда муҳим бўлиб, унга мувофиқ агар Ўзбекистон суди ёки ФХДЁ органи қандайдир ҳолатда хорижий оила қонуни нормасини қўллаш керак бўлса (масалан, никоҳнинг ҳақиқийлиги ёки бошқа масалада), у ҳолда ўша хорижий норма мазмунини аниқлаш учун Адлия вазирлиги ёки хорижий ваколатли идораларга мурожаат қилиши мумкин, экспертларни жалб этиши мумкин. Агар шу чораларга қарамай, хорижий қонундаги тегишли норма мазмуни аниқланмаса, у ҳолда *Ўзбекистон қонунчилиги қўлланилади*, деб белгилаб қўйилган [12]. Бу қоида коллизия ҳолатларида “*асосий қанот*” сифатида миллий қонунни қўллашга имкон беради – яъни чет эл қонунини қўллаш техник жиҳатдан имконсиз бўлганида, иш очик қолмасдан, маҳаллий қонун билан ҳал этилади.

Никоҳ, оила ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий хужжатларни тизимлаштириш тўғрисидаги қарор (2023 йил, 550-сон, ВМК)га мувофиқ, Ўзбекистон фуқароси чет элда ажрашган тақдирда, чет эл суди қарорини (апостилланган ёки

легаллаштирилган) ФХДЁ органига тақдим этиб, уни қайд эттириши орқали амалга оширилади [2].

Шу ўринда Т.Раҳмоновнинг таъкидлашича, *Оила кодекси халқаро оилавий муносабатлар бўйича нормаларни ўз ичига олса-да, у ерда алимент мажбуриятлари бўйича қўлланиладиган ҳуқуқ, алимент миқдорини ҳисоблаш тартиби каби масалалар очиқ қолдирилган* [4]. Дарҳақиқат, турли давлат фуқаролари ажрашганда энг кўп учрайдиган масалалардан бири – болаларга алимент тўлаш, шунингдек турмуш ўртоғига моддий таъминот (эри-хотинлик алименти) тўғрисидаги талаблардир.

Бу борада Ўзбекистон қонунчилигида тўғридан-тўғри коллизия қоидаси мавжуд эмас. Масалан, Россия Федерацияси “Хусусий халқаро ҳуқуқ тўғрисида”ги қонунида алимент мажбуриятларига нисбатан алоҳида норма киритган, Қозоғистоннинг Оила кодексида ҳам шунга ўхшаш қоида бор. Ўзбекистон эса бу масалани ҳал этишда кўпроқ халқаро шартномаларга таяниб келмоқда (1993 йилдаги Минск конвенциясига мувофиқ, масалан, МДХ давлатлари фуқаролари ўртасида алимент ундирилиши ўзаро тан олинади). Шунингдек, 2007 йил Гаага конвенциясига Ўзбекистон ҳали қўшилмаган, шу боис агар чет эллик билан ажрашишда болалар учун тўлов ундириш керак бўлса, *билатерал* (икки томонлама) келишувлар ёки дипломатик каналлар орқали масалани ҳал этиш талаб этилади. Ушбу ҳолатлар миллий қонунчиликда аниқ ўрин эгаллаши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонлик олимлар халқаро оилавий муносабатлар соҳасидаги қонунчилигимизни такомиллаштириш зарурлиги ҳақида бир неча маротаба таъкидлашган. Жумладан, юрист-олима Х.Абдурахмонованинг таъкидлашича, собиқ СССРдан кейинги давлатларда, шу жумладан Ўзбекистонда, оилавий коллизия нормалари турли қонун ҳужжатларига тарқоқ ҳолда киритилган ва ягона тизимнинг йўқлиги муаммолар туғдирмоқда [3].

Шу сабабли у ва бошқа мутахассислар *Халқаро хусусий ҳуқуқ кодексини қабул қилиш таклифини* илгари сурмоқдалар [13]. Бундай кодекс

қабул қилинса, халқаро хусусий ҳуқуқнинг барча қоидалари (жумладан, никоҳ тузиш ва бекор қилиш, алимент, васийлик, мерос, шартнома ва ҳ.к. соҳаларида) тизимли равишда баён этилиши ва амалий бўшлиқлар бартараф этилиши кутилмоқда. Масалан, Туркия тажрибаси келтирилса, бу мамлакат 2007 йилда “Хусусий халқаро ҳуқуқ ва процессуал ҳуқуқ тўғрисида” алоҳида қонун қабул қилган бўлиб, унинг 1-моддасиёқ ушбу қонун нималарни тартибга солишини аниқ баён этган: хусусий ҳуқуқий муносабатларга татбиқ этиладиган ҳуқуқ, Туркия судларининг халқаро юрисдикцияси, чет эл суд ҳужжатларини тан олиш-ижро этиш тартиби ва ҳ.к. қамраб олинган [13]. Мазкур Туркия қонунда оилавий муносабатлар, жумладан, никоҳ ва ажрим, алимент мажбуриятлари ҳам атрофлича ёритилган бўлиб, бу жиҳатдан Ўзбекистоннинг Оила кодексига нисбатан анча батафсилдир.

Яна бир мисол. Японияда 2006 йилда қабул қилинган “Қонунлар қоллизияси тўғрисидаги қоидалар ҳақида”ги қонун (японча Hou no Tekiyou ni Kansuru Tsusoku-hō) бутунлай халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасини қамраб, унда оилавий муносабатлар (никоҳ тузиш ва бекор қилиш, боланинг ҳуқуқий мақоми, васийлик ва ҳ.к.) бўйича қоидалар нормаланган [14]. Келгусида Ўзбекистон ҳам шу каби илғор тажрибалардан фойдаланиб, миллий қонунчилигини бойитиши мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон турли фуқароликдаги шахслар ўртасидаги ажримларни қонунан тартибга солиш учун муайян асосга эга. Лекин амалда баъзи бир муаммолар сақланиб қолмоқда. Масалан, халқаро ажримларда *қонунлар мос келмаслиги* муаммоси бор: ҳар бир давлатнинг оилавий ҳуқуқ тизими тарихий, диний, маданий омиллар туфайли бир-биридан фарқ қилади, шу боис бир давлатда қонуний ажрим бошқа мамлакат ҳуқуқига “тўғри келмаслиги” мумкин.

Б.Қ.Турақулов таъкидлаганидек, миграция туфайли шаклланаётган трансмиллий оилаларда *турли давлат оила қонун-қоидаларининг бир-бирига мос келмаслиги асосий муаммо* сифатида намоён бўлмоқда [5]. Масалан, айрим давлатларда никоҳни бекор қилиш учун суд қарори шарт эмас – ФҲДЁ

органларида содда тартибда ажрим қайд этилиши мумкин (эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан). Ўзбекистонда ҳам шундай тартиб бор: агар эр ва хотиннинг ўзаро фарзандлари бўлмаса ва иккиси ҳам рози бўлса, судга эмас, тўғридан-тўғри ФХДЁга мурожаат қилиб ажримни рўйхатдан ўтказиши мумкин [1]. Лекин бошқа бир давлат қонунчилигида ҳатто эр-хотин рози бўлса ҳам, суднинг махсус ажрими, ҳал қилув қарори талаб этилиши мумкин. Бундай фарқлар бир давлатда “бир неча кунда ажрашган” жуфтликнинг иккинчи давлатда *ҳали ҳам ажрашмаган деб ҳисобланишига* олиб келади. Шу сабабли, халқаро ажримларни тан олишда давлатлар ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга интилиши лозим.

Шундай қилиб, замонавий глобал миграция жараёнлари натижасида трансмиллий оилалар сони ортиб бормоқда ва бу ҳолат турли давлатларнинг оила қонун-қоидалари ўртасидаги мос келмаслик муаммосини янада кучайтирмоқда. Хусусан, никоҳдан ажратиш тартибининг ҳуқуқий асослари ҳар бир давлатда турлича белгиланганлиги сабабли, айрим ҳолларда бир мамлакатда қонуний равишда ажрашган шахслар бошқа давлатда ҳали ҳам эр-хотин деб ҳисобланиши мумкин.

Бу ҳолат халқаро хусусий ҳуқуқ амалиётида жиддий ҳуқуқий коллизияларни келтириб чиқаради, чунки ажримнинг тан олиниши оилавий ҳуқуқ муносабатларнинг бошқа оқибатларига – алимент мажбуриятлари, мерос ҳуқуқи, болаларнинг ҳуқуқий мақоми, мулкӣ муносабатлар каби соҳаларга ҳам таъсир кўрсатади.

Шу боис, халқаро-ҳуқуқий муносабатларда трансмиллий оилаларнинг ҳуқуқий ҳолатини аниқлаш ва ажримларнинг ўзаро тан олинишини таъминлаш учун давлатлар ўзаро ҳуқуқий ҳамкорликни кучайтириши зарур. Бу борада икки томонлама ёки кўп томонлама шартномаларни қабул қилиш, халқаро тан олиш тартибини ягона стандартлар асосида мувофиқлаштириш ва консуллик ҳамкорлигини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Натижада халқаро ажримларни тан олиш механизмларини такомиллаштириш нафақат фуқароларнинг шахсий ва оилавий ҳуқуқларини

кафолатлайди, балки турли юрисдикциялар ўртасидаги ҳуқуқий аниқлик ва барқарорликни ҳам таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси (1998 йил, ўзгартиш ва қўшимчалар билан) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сонга илова. URL.: <https://lex.uz/ru/docs/104720>.

2. Никоҳ, оила ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 октябрь 550-сон қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.10.2023 й., 09/23/550/0793-сон. URL.: <https://lex.uz/docs/6638940>.

3. Абдурахмонова Х. Ўзбекистон Республикасида чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмунини аниқлашнинг ўзига хосликлари // JournalNX. 2021. – №7. – Б.36.

4. Раҳмонов Т. Ўзбекистон халқаро хусусий ҳуқуқ кодексини қабул қилиши керакми? // Uzbekistan Law Blog, 2023.

5. Турақулов Б.Қ. Халқаро миграция даврида оила ҳуқуқининг асосий муаммолари // Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2025.

6. International Divorce: Choosing the Right Jurisdiction in High Net Worth Divorces — Ribet Myles.

7. International Divorce: Choosing the Right Jurisdiction in High Net Worth Divorces. Ribet Myles LLP, 2024.

8. Goodwins Family Law. “What to consider when getting an international divorce”, 2018.

9. International Family Law & Divorce From a Foreign National. Justia Legal Resources.

10. Goodwins Family Law. “What to consider when getting an international divorce”, 2018.

11. International Family Law & Divorce From a Foreign National | Divorce Law Center | Justia.

12. International Family Law & Divorce From a Foreign National | Divorce Law Center | Justia.

13. Should Uzbekistan adopt the Code of Private International Law? – Uzbekistan Law Blog // <https://uzbekistanlawblog.com/should-uzbekistan-adopt-the-code-of-private-international-law>.

14. International Family Law & Divorce From a Foreign National | Divorce Law Center | Justia // <https://www.justia.com/family/divorce/special-circumstances-in-divorce/divorce-from-a-foreign-national>.

15. <https://scientific-jl.org/obr/article/download/10124/9827/19618>.

16. <https://www.ribetmyles.co.uk/news/international-divorce-choosing-the-right-jurisdiction>.

17. https://en.wikipedia.org/wiki/Conflict_of_divorce_laws.

18. <https://media.neliti.com/media/publications/342523-peculiarities-of-determining-the-content-ab3c3852.pdf>.

19. <https://natlex.ilo.org/dyn/natlex2/natlex2/files/download/90264/UZB-90264.pdf>.

20. <https://media.neliti.com/media/publications/342523-peculiarities-of-determining-the-content-ab3c3852.pdf>.